

А.Б.Ғафуров

**Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя
қилишнинг долзарб масалалари**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАКАЗИ**

А.Б.Ғафуров

**Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг
долзарб масалалари**

Монография

Тошкент – 2017

УДК

Ғафуров А.Б. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари. Монография. –Т.: **2017. –б.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Илмий кенгашининг 2017 йил «..» _____даги ...–сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир:

Юридик фанлари номзоди, доцент М.А.Тиллабоев.

Тақризчилар:

....

Монографияда интеллектуал мулк ҳуқуқига оид тадқиқотларнинг долзарб масалалари, ривожланган давлатларнинг интеллектуал мулк ва инновацияни ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг айрим долзарб масалалари, бу борадаги қонунчилик тизими, шунингдек интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимлари қиёсий жиҳатданилмий таҳлил этилган.

Мазкур монография Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан амалга оширилган “Интеллектуал мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш: қиёсий ҳуқуқий таҳлил” амалий тадқиқотлар давлат илмий-техника дастуридоирасида тайёрланган бўлиб, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасига қизиқувчи мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабаларга мўлжалланган.

© Ғафуров А.Б., 2017 й.

© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2017 й.

М У Н Д А Р И Ж А

О.Оқюлов.Сўзбоши.....	5
Кириш.....	7
I-Боб. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид тадқиқотларнинг долзарб масалалари.....	9
1§ Интеллектуал мулк ва инновацион иқтисодиёт: ривожланган давлатлар тажрибаси.....	9
2§ Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг айрим масалалари.....	14
3§Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонунчилик тизимининг умумий таҳлили.....	20
II-Боб. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимларини қиёсий таҳлили.....	
4§. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари.....	
5§ Интеллектуал мулк ҳуқуқини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари.....	
6§ Интеллектуал мулк ҳуқуқини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари.....	
7§Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда махсус судларнинг роли ва аҳамияти.....	
Хулоса.....	
Иловалар.....	

Сўзбоши

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар мамлакатни барча соҳаларини ривожлантиришга, халқ фаровонлигини таъминлашга, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондиришга қаратилган. Бинобарин, илм фан ютуқларини ҳаётга жорий этмасдан туриб, интеллектуал мулк объектларидан самарали фойдаланишни йўлга қўймасдан туриб бундай ислоҳотларни амалга ошириш мумкин эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатни иқтисодиётнинг барча жабҳаларида хорижий инвестиция кенг жалб қилинмоқда, тадбиркорлик фаолияти тобора кенгайиб бормоқда ва бунинг учун зарур ҳуқуқий база ҳам шакллантирилмоқда.

Маълумки, хорижий инвесторлар учун Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқлари қай даражада самарали ҳимоя қилинганлиги сармоя киритиш учун муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, хорижий мамлакатларда интеллектуал мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш ҳолати қандай аҳволдалиги, бу борада ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини ўрганиш, бу борадаги илғор тажриба, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи миллий ҳуқуқ тизимида ҳам, фуқаролик ҳуқуқи тизимида ҳам ўзига хос тузилмадир. У миллий ҳуқуқ тизимида тармоқлараро ҳуқуқий тузилма сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан нафақат фуқаролик ҳуқуқида балки, божхона ҳуқуқида, жиноят ҳуқуқида, маъмурий ҳуқуқда интеллектуал мулк билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуаларига эга. Ушбу мажмуалар Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка бағишланган

IV-бўлими тарзида, Божхона кодексининг махсус бўлинмаси тарзида, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Солик кодексида бир неча нормалар шаклида намоён бўлади. Бинобарин, интеллектуал мулк билан боғлиқ илмий муаммоларни ўрганиш нафақат фуқаролик ҳуқуқи фани доирасида, балки жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ йўналишларида ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг барча объектларига доир қонунлар қабул қилинган бўлсада, амалда самарали қўллаш билан боғлиқ муаммо ва қийинчиликлар мавжуд. Амалиётда интеллектуал мулк объектларидан лицензиясиз фойдаланиш ҳолатлари мунтазам кузатилмоқда. Ҳуқуқ эгалари томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари шу жумладан, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш усули деярли ишламайди. Ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг махсус усуллари, маъмурий воситалар билан ҳимоя қилиш етарлича шакллантирилмаган.

Шундай экан, интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ривожланган давлатлар тажрибаларини чуқур ўрганиш, давлат органлари ва манфаатдор ташкилотларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш, энг асосийси жамиятнинг турли қатламлари, айниқса, ёш авлод орасида соҳага оид назарий, ҳуқуқий билимларни тизимли тарғиб қилиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунингдек, интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, бу борада бошқа шахслар томонидан содир этиладиган ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик билан муносабатда бўлиш психологиясини шакллантириш ҳам олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур монография интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимлари таҳлил қилинган бўлиб, унда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тартибини белгиловчи қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, фуқаролик-ҳуқуқий усуллар, жиноят-ҳуқуқий ва маъмурий-

ҳуқуқий ҳимоя усулларини ҳамда хорижий мамлакатларнинг интеллектуал мулк бўйича махсус судлари фаолияти тўғрисида маълумотлар таҳлили ўрин олган.

Ушбу китоб мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳуқуқининг ҳозирги аҳволини тадқиқ этиш, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида соҳага оид миллий қонунчиликка илмий баҳо бериш ва уни ривожлантиришда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади, деб умид қиламан.

**О.Окюлов,
юридик фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист**

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодий модернизиациялаш, ишлаб чиқариш соҳаларига инновацияларни кенг жорий қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон бозорига чиқиш ва халқаро савдо тизимида муносиб ўринни эгаллаш йўлида улкан ишлар қилинмоқда. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича саъй-ҳаракатлар бошланди. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар йили”, деб эълон қилиниши мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш, уларни муҳофазасини таъминлаш, интеллектуал мулк соҳибларига кенг шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш ва фаровонликка эришиш учун интеллектуал мулк ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш тизимига эга бўлиши лозим. Интеллектуал мулк муҳофазаси ихтирочилар ва ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг янгиликларидан фойдаланиш учун соҳага инвестицияларни кенг жалб қилишни тақозо этади.

Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, давлат органлари ва манфаатдор ташкилотларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш, энг асосийси жамиятнинг турли қатламлари, айниқса, ёш авлод орасида соҳага оид назарий, ҳуқуқий билимларни тизимли тарғиб қилиш долзарб вазифалардан биридир. Иқтисодий ривожлантиришда эса барча тадбиркорлик субъектларини инновацион фаолиятга жалб этиш, олимлар ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашга эришиш, интеллектуал мулк объектларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг турли шакл ва воситаларидан кенг фойдаланиш, миллий патентлар бозорини ривожлантириш лозим.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи самарали ҳимоя қилиш тизимига эга бўлмаса мамлакатга инвестициялар келишига тўсқинлик қилади, ишлаб чиқарувчилар

ва мулк эгалари манфаатига зарар келтиради, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиётга раҳна солади.

Ўзбекистон Республикасида инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга кенг йўл берилаётган ҳозирги шароитда турли интеллектуал мулк объектлари эгалари ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва самарали ҳимоя қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмлари ва усулларини такомиллаштириш бугун вужудга келган муаммо эмас. Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳаси ривожланиши билан уни ҳимоя қилиш масаласи ҳам тобора долзарб бўлиб бормоқда. Айтиш лозимки, бу жараён доимий узлуксиз давом этиб боради.

Ҳозирги даврда кўп давлатларда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида муайян тажриба тўпланган. Айни пайтда, бу муаммо бирон бир давлатда тўлиқ ўз ечимини топган деб бўлмайди.

Инновацияларга асосланган замонавий иқтисодни ривожлантириш учун интеллектуал мулк объектларини яратиш, улардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган субъектларнинг ҳуқуқлари тўла ҳимояланган бўлиши лозим. Зеро, интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинмаса нафақат ҳуқуқ эгасининг манфаатига путур етади, балки мамлакатда илмий-техника тараққиётининг ривожланишига ҳам жиддий зарар келтиради. Шу боис, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимларини илмий тадқиқ қилиш масаласи мамлакатимизда ҳуқуқшунослар олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида интеллектуал мулк объектларини яратиш ва улардан фойдаланиши тартибга солувчи қонунчилик тизими яратилди. Бироқ, шунга қарамай интеллектуал мулк ҳуқуқи самарали тартибга солинган, деб бўлмайди. Соҳага оид аксарият қонун ҳужжатлари нормалари умумий характерда бўлиб, амалиётда вужудга келаётган муаммоларни ҳуқуқий ечимини топишда муайян қийинчиликларни

келтириб чиқармоқда. Бунинг сабабларидан бири интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг махсус усуллари етарлича шакллантирилмаганлигида. Ушбу масалани ҳал қилиш учун Фуқаролик кодексининг 11-моддасида мустаҳкамланган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усулларини интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда қўллаш хусусиятларини аниқлаш ва қўллаш зарур. Бунинг учун бу борадаги тегишли қонун ҳужжатларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасини умумлаштириш асосида илмий тадқиқотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат шаклланиб борган сари фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, қонунга итоаткорлиги ҳам тобора ошиб боради. Бундай шароитда интеллектуал мулк объекти эгаси томонидан ўз имкониятлари доирасида ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятларини ҳам кенгайтирилиши лозим. Бу борада хорижий амалиётни ўрганиш ва таҳлил қилиш келажакда қонунларда фақат чекловчи ёки тақиқловчи ёхуд жазоловчи нормаларни кучайтириш эвазига эмас, балки интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга ҳам эътибор берилиши керак.

Қиёсий хусусий ҳуқуқ тизимида нисбатан кам тадқиқ этилган йўналиш интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳисобланади. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг тез сураётларда ривожланиб бориши, халқаро-ҳуқуқий асосларининг етарлича ишлаб чиқилганлиги қарамай интеллектуал мулк ҳуқуқининг қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ қилишга олимлар томонидан ҳозиргача етарли эътибор берилмаган. Ҳуқуқий компаративистиканинг бу йўналиши ҳанузгача илмий тадқиқотлар доирасида ўзининг муносиб ўрнига эга эмас.

Мазкур монографияда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги айрим ривожланган давлатлар ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакат қонунчилиги билан қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинади.

I-Боб. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид тадқиқотларнинг долзарб масалалари

1§ Интеллектуал мулк ва инновацион иқтисодиёт: ривожланган давлатлар тажрибаси

Ижодий фаолият орзу-умидлар ва тафаккур меваси ҳисобланади. Инсон тафаккури ва заковати натижасида яратилган мулк жамият тараққиётини таъминлайдиган маънавий бойликдир. У бадиий асарлар, санъат ҳамда sanoat намуналарида намоён бўлади. Уларни асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш эса жамият фаровонлигига хизмат қилади.

Бугунги кунда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, интеллектуал мулк муҳофазаси давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб берувчи омиллардан бирига айланиб бормоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш тизимига боғлиқ.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш мамлакатимизда инновацион жараёнларни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, замонавий технологияларни олиб келиш ва жорий этиш пировард натижада мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маълумки ҳар қандай жамият, ҳар қандай давлат ўз интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлади. Интеллектуал мулк ҳуқуқини лозим даражада ҳимоя қилинмайдиган жамиятда эса интеллектуал салоҳиятни юксалтириш мумкин эмас. Бинобарин, ҳар қандай давлатнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулкни ҳимоя қилишдаги манфаатдорлиги интеллектуал фаолият натижалари соҳибларига ўз мутлақ ҳуқуқларидан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш учун мақбул ҳуқуқий режим ўрнатишда намоён бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк ҳуқуқини кафолатлаш фақат қонунларнинг мукамаллигига боғлиқ эмас. Уларни ҳаётга жорий қилиш муаммоси ёки ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади. Айни пайтда, шуни эътироф этиб ўтиш жоиз, бу муаммо кўпгина мамлакатлар учун, яъни иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар учун ҳам, ривожланаётган давлатлар учун ҳам ҳосдир.

Бу борада интеллектуал мулк ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш, унинг ҳимоя қилиш тизимини қонунчилик асосларини ҳамда уни амалга ошириш механизминини, шунингдек бу соҳада суд амалиётини такомиллаштириш билан уйғунликда олиб борилиши лозим бўлади. Бундай ислоҳотлар мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, интеллектуал мулк соҳибларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни яхшиланишига умид қилишимизга асос бўлади.

Интеллектуал мулк бўйича қонунларни такомиллаштириш ва ривожлантириш муаммоларини таҳлил қилиш шуни кўрсатади, Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини тартибга солиш, уни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш учун миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий асослар етарли.

Интеллектуал мулк объектларининг лозим даражада муҳофазаланиши илмий тадқиқотларни рағбатлантиради, адабиёт ва санъатни ривожлантиради, инновацион жараёнларни фаоллаштиради, сармояларга йўл очади. Ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобидан иқтисодиёт самарадорлиги ошади. Шу боис ҳозир деярли барча давлатларда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва инновацион жараёнларни рағбатлантириш сиёсати юритилмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорни ҳеч ким ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга, маҳсулот сифатини оширишга мажбур қилолмайди. Бундай йўл тутишга фақат бозордаги рақобат муҳитигина ундаши мумкин. Айнан янги технология асосида маҳсулот

сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш суръатини ошириш корхоналар фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди.

Халқаро тажриба инновацион иқтисодиётга ўтишнинг энг муҳим шартининг интеллектуал мулк бозорини шакллантириш ва инновацион тизимни ривожлантириш билан боғлиқлигини кўрсатмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инновация ҳар қандай янгилик эмас, балки мавжуд ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тизимини жиддий равишда такомиллаштиришга қаратилган янгиликдир. Демак, инновациянинг энг муҳим хусусияти унинг янгилиги, ишлаб чиқариш жараёнларида қўллаш мумкинлиги ва истеъмолчилар талабига жавоб бера олишидир.

Шубҳасиз, бугун илғор технологияларга эга бўлиш мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлайди. Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотиغا кўра интеллектуал мулк объектлари савдосида АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония етакчилик қилмоқда. Хитой, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатлар кейинги ўринларда бораётир. Бунга кўп жиҳатдан давлат сиёсатининг кучли рақобатни юзага келтиришга, ишлаб чиқаришга инновацияларни фаол жорий этишга йўналтирилгани билан эришилмоқда.

Инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш борасида турли давлатларда ўзига хос тажриба тўпланган. Масалан, АҚШ университетларида инновацион инфратузилмаларни шакллантиришга катта эътибор берилади. Бундай инфратузилмаларда илмий ишланмалар тижоратлаштирилиб, технологиялар трансфери амалга оширилади, яъни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинади. Мамлакатда 1980 йили Бэй-Доул қонуни қабул қилинган. Бу эса инновацион жараёнларнинг кескин ривожланишига, университетларга ўз илмий ишланмалари орқали даромад олишга кенг йўл очиб берган. Мазкур ислохотлар натижасида АҚШда университетлар, саноат корхоналари ва инвесторлар ўртасида манфаатли алоқаларни йўлга қўювчи тизим яратилган. Айниқса, бу борада Калифорния технология институти, Стэнфорд

университети ва Массачусетс технология институтининг тажрибаси эътиборга лойикдир.

Хусусан, Калифорния технология институти аниқ фанлар ва инженерлик соҳасидаги энг етакчи институтлардан бири бўлиб, унда тадқиқотларга ҳомийлик қилиш офиси, технологиялар трансфери офиси ва тадбиркорлар клуби каби инновацион инфратузилмалар ташкил этилган. Стэнфорд университетининг асосий инновацион инфратузилмаси эса технологияларни лицензиялаш офиси ҳисобланиб, унинг функцияси университетнинг интеллектуал мулкни бошқаришдан иборат. Массачусетс технология институтида технологияларни лицензиялаш офиси ва тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган бошқа тузилмалар мавжуд.

Япониянинг бу борадаги тажрибаси ҳам кўп давлатлар учун намуна бўлиши мумкин. Ушбу мамлакат юксак иқтисодий ривожланишга чет эл инновацияларини фаол қўллаш орқали эришгани кўпчиликка яхши маълум.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, Япониянинг иқтисодий сиёсати ўз илмий салоҳиятини ривожлантиришга қаратилади. Мамлакатда 1983 йили технополисларни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Шунингдек, миллий технопаркларни ривожлантириш учун Япония ҳукумати томонидан махсус дастурлар қабул қилинган. Мазкур ислохотлар натижасида дастлаб 100 дан зиёд технопарк ташкил этилган.

Технопарклар ишбилармонлик ва илмий-техник соҳа ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига олиб келди. Шуниси эътиборлики, Япония технопаркларининг 70 фоизга яқини минтақаларда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Шундан 58 фоизи юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган.

Ўзбекистонда ҳам интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш, интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва инновацияни ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий базаси шакллантирилган, бу борада 10 та қонун, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 1 та қарори, ҳукуматнинг 7 та қарори, 15 та идоравий-меъёрий ҳужжат қабул қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги 12 та халқаро ҳужжатга, 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ва битимга қўшилган.

Мамлакатимизда миллий патент тизимининг яратилгани ва халқаро ташкилотлар билан уйғунликда фаолият олиб бораётгани илмий-техника янгиликларининг инновацион тадбиркорликка татбиқ этилишига кенг шароит яратмоқда. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотига караганда, Ўзбекистон МДХ давлатлари ичида патентлаштириш ва товар белгиларини рўйхатга олиш бўйича учинчи ўринда туради.

Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлиги маълумотига кўра жорий йилнинг биринчи ярмида 1355 та интеллектуал мулк объекти рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 15 фоизга ошган.

Инновациялар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш, янги технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳар йили Тошкент шаҳрида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ўтказиб келинади. Ушбу ярмарка илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, маълумот алмашиш ҳамда технологиялар трансферига хизмат қилмоқда. Ҳозиргача ярмаркада 4 мингдан ортиқ ишланма тақдим этилган ва 3200 дан зиёд шартнома имзоланган. Хусусан, жорий йилда ўтказилган ярмаркада илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида янги товар ва технологиялар харид қилиш бўйича умумий қиймати 25,7 миллиард сўмлик 776 та шартнома имзоланган.

Буларнинг барчаси бугун Ўзбекистонда илм-фан шиддат билан ривожланаётганидан, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион технологик базани яратиш борасида катта ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Зеро, халқни, давлатни бой қилиш, мамлакатни тараққий эттиришнинг энг тўғри йўли ҳам шу.

2§ Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг айрим масалалари

Ҳозирги даврда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу муаммо иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар учун ҳам ривожланаётган давлатлар учун дахлдордир. Бунинг асосий сабаби бир томонидан ҳуқуқий механизмларнинг етарли даражада самарали эмаслигида бўлса, иккинчи томондан турли давлатларнинг бу масалага турлича ёндошувларга эга бўлишида дейиш мумкин.

Аксарият ривожланаётган давлатлар учун иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлига ўтиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ишлаб чиқариш жараёнларига илғор замонавий технологияларни жорий қилиш ва айни пайтда миллий инновацион иқтисодиётни ривожлантириш йўлида бориши лозим. Бинобарин, бунинг учун мамлакатда интеллектуал мулк ҳуқуқи муҳофаза қилиниши ва халқаро талаблар даражасида ҳимояланган бўлиши лозим. Бундай долзарб масалалар олимлар, илмий жамоатчилик олдига интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни ривожлантириш масаласини қўйади.

Шуни таъкидлаш лозимки, глобалашув шароитида хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизими ва тажрибасини ўрганишга бўлган талаб ортиб бормоқда. Хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий амалиётини ўрганувчи олимларнинг тадқиқ предмети доираси ҳам мутасил кенгайиб бормоқда. Профессор А.Х.Саидовнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда жаҳонда юридик компаративистика жиддий тарзда бойиди: қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар доираси кенгайди ва уларнинг сони тез суръатларда ошиб бормоқда, янги ихтисослашган институтлар вужудга келмоқда¹.

¹Қаранг: Саидов А.Х. Сравнительное правоведение (основные системы современности). Учебник. Под ред. В.А.Туманова. М.: Юристъ, 2000. С.33.

Қиёсий хусусий ҳуқуқ тизимида нисбатан кам тадқиқ этилган интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳисобланади. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг тез сураътларда ривожланиб бориши, халқаро-ҳуқуқий асосларининг етарлича ишлаб чиқилганлиги қарамай интеллектуал мулк ҳуқуқинг қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ қилишга олимлар томонидан етарлича эътибор берилмаган. Ҳуқуқий компаративистиканинг бу йўналиши ханузгача илмий тадқиқотлар доирасида ўзининг муносиб ўрнига эга эмас.

Таъкидлаш жоизки, ХХІ асрга келиб интеграция жараёнларнинг чуқурлашиб бориши, халқаро иқтисодиёт, савдо муносабатлари, илм-фан ва маданиятни тез суръатлар билан ривожланиши интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш масаласини долзарб қилиб қўймоқда ва компаративистлар олдига бу борада қиёсий тадқиқотларни ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг интернационаллашуви биринчи навбатда бу йўналишни ўқув фани сифатида ривожланишига жиддий туртки берди. Бинобарин, айрим мамлакатларда қиёсий интеллектуал мулк ҳуқуқи ўқув предмети сифатида кенг ўқитилмоқда. Масалан, ҳозирги кунда АҚШ (George Washington University Law School, Columbia Law School), Буюкбритания (London Metropolitan University, University of Southampton), Германия (Интеллектуал мулк, рақобат ва солиқ ҳуқуқи бўйича Макс Планк институти) олий ўқув юртлирида халқаро ва қиёсий интеллектуал мулк ҳуқуқи ихтисослиги бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Ушбу ўқув дастурларида Европа Иттифоқи, АҚШ ва Япония каби давлатларнинг патент, муаллифлик ҳуқуқи, товар белгилари ва саноат намуналарига оид қонунчилик нормаларини ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари қиёсий жиҳатдан тадқиқ қилинади.

2010 йили Вашингтонда бўлиб ўтган Қиёсий ҳуқуқшунослик Халқаро академиясининг анъанавий конгресси кун тартибида интеллектуал мулк ҳуқуқининг далзарб масалаларини муҳокама қилиш ҳам ўрин олган эди. Бу ўз навбатида компаративистлар

томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқи муаммосига бўлган эътиборни ошганлигидан далолат беради.

Бевосита интеллектуал мулк ҳуқуқини қиёсий таҳлил қилиш муаммосига келсак, бу борада интеллектуал мулк ҳуқуқни ишончли ҳимоя қилиш масаласи биринчи ўринга чиқади. Айниқса хорижий мамлакатларда яратилган интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш, уларни ҳимоясини таъминлаш, маданий қарорчиликка қарши самарали кураш олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузилиши турли кўринишда бўлиш мумкин. Бу муайян давлатнинг ҳуқуқий тизими, миллий қонунчилигининг ривожланганлиги, ҳуқуқ-тартибот идораларининг самарали фаолиятига боғлиқ бўлади.

Айни пайтда бу муаммога қарши курашни самарали бўлиши учун давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги жуда аҳамиятлидир. Бироқ, адабиётларда у ёки бу давлатда интеллектуал мулк ҳуқуқини бузилишини олдини олишга қаратилган талаблар рақобат ва эркин савдони чеклашга интилиш мавжуд деган фикрлар олдинга сурилган. Масалан, АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича эксперт Рашми Рагнатнинг фикрича америка интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича Халқаро уюшмаси томонидан тайёрланадиган “301 процедура”ни («Обзор процедуры 301») хорижий давлатларнинг манфаатига мос келмайдиган у ёки бу халқаро битимларга қўшилишга ундашга қартилган воситага айланиб қолган².

Мазкур муаммоларни ечими интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳар томонлама комплекс илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш, унга бўлган ихтиёжни глоболизация жараёнлари шароитидан келиб чиқиб кўриб чиқишни тақозо қилади.

²Қаранг: RashmiRangnath. 2010 Special 30! Review Should Respect Copyright Balance and Increase Transparency. СайтPublicKnowledge, <http://www.publicknowledge.org/node/291> 1.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузилиши ҳолатлари фақат ривожланаётган давлатларнинг муаммоси эмас. Бундай ҳуқуқбузарликлар ривожланган давлатларда ҳам ривожланаётган давлатларда ҳам учрайди. Шундан келиб чиқиб, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммоларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ қилишда мамлакатларнинг миллий-ҳуқуқий тизимдаги ўзига хосликларни эътиборга олиш лозим бўлади. Амалий жиҳатдан қиёсий таҳлил предмети сифатида иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланаётган давлат қонунчилиги олиниши мақсадга мувофиқ кўринади. Албатта, икки ёки ундан ортиқ иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларнинг тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий тақиқ қилиш илмий-назарий аҳамият касб этади. Бироқ, амалий жиҳатдан бундай тадқиқотнинг самараси кутилган даржада натижа бермаслиги мумкин. Масалан, бизнинг фикримизча, АҚШ ва Япония, ёки Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ ёхуд Франция ва Германия каби давлатларнинг бу борадаги амалиётини қиёсий тадқиқ қилиш илмий-назарий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Чунки, бу давлатлар ўртасидаги яқин ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий алоқалар уларнинг қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яқинлаштиришга ва маълум даражада уйғунлаштиришга олиб келган дейиш мумкин. Бу ўринда бир томондан ривожланган ва иккинчи томондан ривожланаётган давлатнинг ҳуқуқий амалиётини қиёсий ўрганиш кўпроқ самра беради дейиш мумкин.

Юқоридаги фикрлар ривожланган ва ривожланаётган давлатларни қонунчилиги амалиётини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ қилишни инкор қилмайди, албатта. Бу ўринда асосий фикр қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг устувор вазифасини белгилаб олиш тўғрисида бормоқда.

Профессор Кристофер Осаквенинг фикрича, қиёсий ҳуқуқнинг асосий вазифаси турли ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш ва тушуниш, уларнинг тамойиллари ва институтларини уйғунлаштириш, турли ҳуқуқий маданият ва дунёқарашлар ўртасидаги ўтқир

тавофутларни энгишлаштиришдан иборат³. Агар интеллектуал мулкни глобалашуви негизида асосан иқтисодий манфаатлар ётишини эътиборга оладиган бўлсак, демак “турли ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш ва тушуниш”дан кўра “ҳуқуқий маданият ва дунёқарашлар ўртасидаги ўткир тавофутларни энгишлаштириш” муҳимроқдир.

Маълумки, тез сураётлар билан ривожланаётган давлатлар бозоорига кириш кўп давлатлар учун иқтисодий ўсишнинг муҳим шартидир. Ривожланаётган давлатлар интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоясини кучайтириш йўли билан инвестицияларни жалб қилишга интилади. Умуман олганда интеллектуал мулкни самарали ҳимоя қилиш билан инвестицион муҳит ўртасидаги боғлиқлик бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Профессор Роберт Эвенсон (АҚШ) интеллектуал мулк ҳуқуқи концепциясини инфраструктура сифатида хусусан, уларнинг ривожланаётган давлатлардаги роли билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқади. Унинг таъкидлашича, интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро конвенциялар ривожланаётган давлатлар учун унчалик самарали эмас. Шунингдек, шу фикрга боғлиқ бўлган масала, яъни ривожланаётган давлатлар томонидан интеллектуал мулкни ишончли ҳимоясини таъминланишига жавобан чет эллик инвесторлар томонидан технологиялар билан таъминлашга тайёрлиги. Унинг фикрича адабиётларда тўғридан-тўғри инвестиция киритиш жараёнлари билан интеллектуал мулк ҳуқуқининг самарали ҳимоя қилиш ўртасида боғлиқлик мавжуд эмас⁴.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини кучли ҳимоя қилиш тизимининг мавжудлиги интеллектуал мулк объектларининг қонуний айрибошалаш бозорини ривожланишига туртки бўлади. Амалда ҳам шундайми?

³Қаранг: Осаке К. Сравнительное правоведение: схематический комментарий. - М.: Юристь, 2008. С.21.

⁴Қаранг: Robert E. Evenson. Global Intellectual Property Rights Issues in Perspective: A Concluding Panel Discussion/Global Dimensions of Intellectual Property Rights in Science and Technology. Сайт National Academy Press, http://books.nap.edu/openbook.php?record_id=2054&page=360.

Бугунги кунда маданий қароқчилик кўплаб давлатларнинг умумий муаммосига айланиб бормоқда. Бу муаммонинг кенг тарқалганлиги ва оммалашуви уни барқарор ривожланишига олиб келмоқда. Афсуски, жамоатчилик бундай ҳуқуқбузарликларга унчалик жиддий эътибор бермайди. Бундан ташқари, маданий қароқчиликни ижобий томонларини ёқлаб чиқувчи фикрлар ҳам йўқ эмас. Масалан, О.Андрійчукнинг фикрича интеллектуал қароқчилик — юридик маънода салбий ҳолат бўлсада социологик жиҳатдан бундай эмас. Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари адабиётларида интеллектуал қароқчиликнинг ижитмий жараёнларга ижобий таъсири борлигини таъкидланади. Унинг моҳияти қароқчилик маҳсулоти истеъмолчиларини легал мулк эгаси доирасига тортилиши билан белгиланади. Журналистнинг фикрича, агар лицензиясиз маҳсулотлар оммавий тарзда тарқалмаганда на Голлувуд фильмлари продюсерлари, на компьютер дастурлари ишлаб чиқарувчилар, на эстрада поп юлдузлари жаҳонда бу қадар машҳур бўла олмас эдилар⁵. Муаллиф интеллектуал қароқчиликнинг тарқалишини объектив сабабларидан бирини кўрсатиш билан бирга социологик жиҳатдан қароқчиликнинг ижобийлиги уни асло юридик жиҳатдан қонунийлаштириш учун асос бўла олмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозим бўладики, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар ўз маҳсулотларини ички бозорга мутаносиб нарҳларда сотадиган мамлакатларда қароқчилик масаласи долзарб бўлиб турибди.

Профессор О.Окюловнинг фикрича бундай ҳолат бозорда маданий қароқчилик маҳсулотларининг мавжудлигининг сабабларидан биридир⁶. Демак кўриниб турибдики, ривожланаётган мамлакатларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан юқори нарҳларни белгиланиши интеллектуал

⁵Қаранг: Андрійчук О. Реальная виртуальность: интеллектуальное пиратство в цифровую эпоху/Сайтhttp://gazeta.zn.ua/SOCIETY/realnaya_virtualnost_intellektualnoe_piratstvo_v_tsifrovuyu_epohu.html.

⁶Қаранг: Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. - Т.: ТДЮИ, 2004.Б.421.

мулк бозорининг легал секторини ривожланишдан тўхтаб қолишига ва ноқонуний маҳсулотлар айланмасини ўсишига олиб келади

Интеллектуал мулк ҳуқуқини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларининг долзарб масалаларини қисқача таҳлилин шунини кўрсатмоқдаки, қиёсий хусусий ҳуқуқнинг бир йўналиши сифатида қиёсий интеллектуал мулк ҳуқуқи эндигина ривожланиб келмоқда.

Бу борада барча мамлакатлар олдида турган долзарб муаммолар ва уларни ечимини топиш олимлардан ривожланган ва ривожланаётган давлатларда интеллектуал мулк ҳуқуқи тизимнинг хусусиятлари, ўзига хослиги, ўхшаш ва фарқли томонларини қиёсий тадқиқ қилишга эътибор беришни талаб қилмоқда.

Компаративистиканинг бу тармоғини ривожлантиришнинг муҳим бир йўналиши интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқ ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларнинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда уни байналминаллаштиришдан иборат. Бу ўз навбатида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги “ўткир тавофутларни енгишлаштириш” масаласини самарали ҳал қилиш ҳамда қиёсий интеллектуал мулк ҳуқуқини долзарблиги ва унинг илмий аҳамиятидан далолат беради.

3§. Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонунчилик тизимининг умумий таҳлили

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар муҳим фуқаролик ҳуқуқлардан бири ҳисобланади. Ҳар бир интеллектуал мулк соҳиби инсон ўзи муаллифи ҳисобланган илмий, адабий ва бадиий фаолият натижаларига нисбатан маънавий ва моддий манфаатларини муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эга.

Интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳар қандай қонуннинг мақсади ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижодий фаолиятни рағбатлантириш ва ривожлантиришдир. Бу “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Интеграл микросхемалар топологиялари тўғрисида”ги ва бошқа мазкур муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликда ҳам намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид қонунчилик тизими шакллантирилган. Айни пайтда бу борадаги ҳуқуқий нормаларни ривожлантириш ва уларни халқаро-ҳуқуқий нормалар ва талабларга мослаштириш жараёни давом этмоқда. Зеро, бу узлуксиз жараён бўлиб, мамлакатимизда инновацион иқтисодиётга ўтиш ва уни ривожлантирилиши билан интеллектуал мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёж ошиб бораверади.

Бу борадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари фуқаролик ҳуқуқи фанида долзарб аҳамиятга эга. Ушбу муаммони ечими қонунчилик тизимини такомиллаштириш, янги қонунларни ишлаб чиқиши билан боғлиқдир. Шу боис, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид қонунчилик тизимини хорижий давлатлар, биринчи навбатда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари амалиёти билан қиёсий таҳлил қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Умуман олганда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги Ўзбекистоннинг мавжуд миллий қонунчилик тизими иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳамда бу борадаги халқаро стандартларга асосланган.

Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий асосларини миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар ташкил этади. Бу соҳада 6 та қонун, 30 дан ортиқ Ҳукумат қарорлари, 120 дан зиёд идоравий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунингдек, интеллектуал мулк соҳасида 9 та давлатлараро, 12 та ҳукуматлараро ва 14 идоралараро халқаро шартнома ва битимлар тузилган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг умумий ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг IV бўлими (1031-1111-модалар)да ўз аксини топган. Шунингдек, бу соҳада «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Топология ва интеграл микросхемалар тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси интеллектуал мулк ҳуқуқининг қонунчилик тизимида марказий ўрин тутди дейиш мумкин. Зеро, интеллектуал мулкнинг фуқаролик-ҳуқуқий институт сифатидаги ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексида мустақамлаб қўйилган.

Фуқаролик кодексининг IV бўлими, 19-65 бобларида интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, саноат мулкига бўлган ҳуқуқ, ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқ, ошқор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш, фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситаларини муҳофаза қилиш белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 1040-моддаси интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоясига бағишланган бўлиб, «Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари» деб номланади. Мазкур моддада интеллектуал мулкни фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг умумий

усуллари билан ҳимоя қилиниши мумкинлигига ҳавола қилинади. Шунингдек, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг махсус усуллари белгилаб қўйилган.

Фуқаролик кодексининг мазкур нормаси интеллектуал мулк соҳаси бўйича қабул қилинган махсус қонунларда аниқлаштирилган. Яъни, интеллектуал мулк объектлари хусусиятидан келиб чиқиб алоҳида соҳаларини тартибга солишга қаратилган қонунлар қабул қилинган. Жумаладан, «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар чиқарилган жой номи тўғрисида»ги, «Уруғчилик тўғрисида»ги, «Наслчилик тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги ва «Интеграл микросхемалар топологияси тўғрисида»ги қонунларни шу тизимга киритиш мумкин.

Шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик тизимиغا Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Фан ва технологиялар агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк Агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини киритиш мумкин.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчилик тизими фақат миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардангина иборат эмас. Бу соҳадаги қонунчиликни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси қўшилган ва белгиланган тартибда ратификация қилинган халқаро шартномалар муҳим аҳамиятга эга.

МДХ мамлакатларида ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид замонавий қонунчилик тизими шаклланган. Бу борада, аввало Россия Федерациясининг амалиёти эътиборни тортади. Зеро, Россияда иқтисодий жиҳатдан минтақадаги давлатларга қараганда яхшироқ мавқега эга. Иқтисодиётининг ривожланиши, интеллектуал мулк объектларини яратиш,

уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ҳимоясини таъминлашга қаратилган инфратузилма яхши йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда Россия Федерациясида интеллектуал мулк ҳуқуқи қўидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади: халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар; федерал қонунлар; қонуности ҳужжатлари.

Россия Федерацияси Конституциясининг 44-моддасига кўра интеллектуал мулк ҳуқуқи қонун билан муҳофаза қилинган. Россиянинг интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилиги 2008 йил 1 январдан кучга кирган Фуқаролик кодексининг IV қисмидан иборат бўлган ягона қонун ҳужжатида мужжасам бўлган.

Интеллектуал мулкни ҳуқуқий тартибга солиш Россия Федерацияси ваколатлари доирасига киради. Маълумки, федерация субъектлари томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари федерал қонунларига зид келиши мумкин эмас. Бу билан Россияда интеллектуал мулкнинг юқори мақомини белгилаб қўйилган дейиш мумкин.

Россия Федерацияси Конституцияси ва Фуқаролик кодекси Россия худудида Берн конвенцияси бевосита амал қилиниши эътироф этади. Демак, Россия суд ва бошқа ҳуқуқни қўлловчи органлар интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мазкур Конвенция нормаларини бевосита қўлайдилар ва бунда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги тамойилидан келиб чиқади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини бузган учун жавобгарлик масаласи Россия Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида ўз аксини топган. Шу билан интеллектуал мулк ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар жиноят сифатида баҳоланади. Бу турдаги жиноятлар инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар сирасига киради. Жумладан, муаллифлику ва турдош ҳуқуқларни бузиш (ЖКнинг 146-моддаси), ихтирочилик ва патент ҳуқуқларини бузиш (ЖКнинг 147-моддаси), товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш (ЖКнинг 180-моддаси).

Интеллектуал мулк объектлари тадбиркорлик соҳасида фуқаролик муомаласида иштирок этишини эътиборга олсак, ноқонуний тадбиркорлик ҳам жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. (ЖК 171-моддаси), контрабанда (ЖК 188-моддаси), технологияларни ноқонуний экспорт қилиш (ЖК 189-моддаси), солиқ тўлашдан бўйин товлаш (РФ ЖК 199-моддаси) ва бошқалар. Демак, интеллектуал фаолият натижаларининг номоддий хусусияти интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни енгиллаштирмайди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида РФ ЖКнинг 28 бобидаги «Компьютер ахборотлари соҳасидаги жиноятлар»га алоҳида эътибор бериш лозим. Бу боб компьютер соҳасидаги жиноятларга бағишланган. Мазкур бобнинг муҳимлиги шундаки, жамиятда ахборотлаштириш жараёнлари компьютер техникасидан кенг омма томонидан фойдаланилиши имконияти яратилганлиги билан боғлиқ. Айниқса болалар, ўқувчи ёшлар, талабалар бугунги кунда компьютер ва интернетдан кенг фойдаланадилар. Мазкур гуруҳларнинг ҳуқуқий билими ва маданияти пастлиги интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузилишига кенг йўл очиб бермоқда.

Россия Федерациясида Солиқ кодекси, Божхона қонунчилиги, «Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, «Ҳужжатларни мажбурий нусхаси тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги қонунларда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган.

Россия Федерациясининг интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик тизими тўғрисида сўз борганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу борадаги қонунҳужжатлари тўлиқ кодификация қилинган. 2008 йил 1 январдан РФ Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи тўртинчи қисми амалга киритилди. Шу вақтдан бошлаб интеллектуал мулк объектлари турига таалуқли бўлган асосий қонун

хужжатлари бекор қилинган. Жумладан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги, патент тўғрисидаги, электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси учун дастурларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, интеграл микросхемалар топологиясини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарларнинг келиб чиқиши жойи номлари тўғрисидаги қонунлар бекор қилинди.

Ҳар бир бекор қилинган қонуннинг тартибга солиш объекти Фуқаролик кодексининг тўртинчи қисмини алоҳида бобларида ўз аксини топган. Масалан, муаллифлик ҳуқуқи ФК 70 бобида (1255-1302 моддалар), турдош ҳуқуқлар 71 бобда (1303-1344 моддалар), патент ҳуқуқи 72 бобда (1345-1407 моддалар), интеграл микросхемалар топологияси ҳуқуқи 74 бобда (1448-1464 моддалар), юридик шахслар, товарлар, ишлар, хизматлар ва корхоналарни индивидуаллаштиришга воситасига бўлган ҳуқуқлари 76 бобда (1473-1541 моддалар) мустаҳкамлаб қўйилган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фақат Фуқаролик кодексининг тўртинчи қисмига зид бўлмаган тақдирдагина қўлланиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Россия Фуқаролик кодекситўртинчи қисми интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий режимини аввалги тартибини сақлаб қолган. Шу билан бирга Кодексда интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ягона тизими мустаҳкамлаб қўйилди. Мулк ҳуқуқ ҳисобланадиган мутлақ ҳуқуқлар, Фуқаролик кодексда кўзда тутилган ҳолларда эса шахсий номулк ҳуқуқлар ва бошқа ҳуқуқлар.

Озарбайжон Республикаси Конституциясининг 30-моддаси бевосита интеллектуал мулк ҳуқуқига бағишланган бўлиб, унда ҳар бир киши интеллектуал мулк ҳуқуқига эга эканлиги, муаллифлик ҳуқуқи, ихтироларга бўлган ҳуқуқ ва бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинганлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Озарбайжон Республикасининг интеллектуал мулк соҳасини ҳуқуқий тартибга солишда ҳам ўзига хос ёндошувни кўриш мумкин. Агар Россия интеллектуал мулкка оид қонунчиликни кодификация қилиш йўлидан бориб, барча соҳага оид нормалар Фуқаролик кодексида мужассамланган бўлса Озарбайжонда аксинча Фуқаролик кодексида интеллектуал мулкка оид нормалар акс эттирилмаган. Яъни, Озарбайжон Республикасининг 1999 йил 28 декабрда қабул қилинган амалдаги Фуқаролик кодексида интеллектуал мулкка оид нормалар киритилмаган. Айти пайтда Озарбайжонда 2012 йили “Интеллектуал мулк ҳуқуқларини таъминлаш ва қароқчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Бундай қонун ҳужжати бошқа МДҲ мамлакатларида учрамайди.

Шунингдек, интеллектуал мулк объекти хусусиятидан келиб чиқиб қатор махсус қонунлар ҳам қабул қилинган. Масалан, «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Топология ва интеграл микросхемалар тўғрисида»ги, «Товар белгилари ва географик белгилар тўғрисида»ги, «Патент тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги, “Маълумотлар базасининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида”ги каби қонунлар қабул қилинган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчилик тизимида Озарбайжон халқини миллий маданиятини асраб-авайлаш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ўрин олган. Жумладан, «Озарбайжон фольклорини ифодалашни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» ҳамда «Озарбайжон гилами ишлаб чиқариш санъатини муҳофаза қилиш ва ривожлантириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган.

Арманистон Республикаси қонунчилиги Конституция, Фуқаролик кодексининг 63-қисмидан, «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Интеграл топологиялар микросхемаси тўғрисида»ги, «Товар белгилари тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги, «Иқтисодий рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Географик белгилар тўғрисида»ги қонунлардан иборат.

Беларусь Республикасининг интеллектуал мулк соҳасига оид қонунчилик тизими Конституция, Фуқаролик кодекси (V бўлим), «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Интеграл топологиялар микросхемаси тўғрисида»ги, «Товар ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент тўғрисида»ги, «Ўсимлик навларига патентлар тўғрисида»ги қонунлардан иборат.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг интеллектуал мулкка оид қонунчилик тизими ҳам ўхшаш бўлиб, Фуқаролик кодекси, патент тўғрисидаги қонун, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш ва товарларни келиб чиқиши жойи белгилари тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун, «Патент вакиллари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлардан иборат.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларини умумий таҳили шуни кўрсатмоқдаки, қонунчилик тизими ўхшаш, улардаги ҳуқуқий институтлар, атамалар бир хиллиги уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш имкони беради. Айни пайтда Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг мустақил ривожланиш даври уларнинг қонунчилигининг ривожланиш тенденцияларига таъсир этиб бир биридан фарқли жиҳатлари кўпайиб бормоқда.

II-Боб. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимларининг қиёсий таҳлили

4§. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уни амалга оширилиши ва таъминланишининг муҳим омилларидан биридир. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг етарли ҳимоясини таъминламай туриб, бу соҳани ривожлантириш мумкин эмас. Шу боис, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш катта аҳамиятга эга.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимида фуқаролик-ҳуқуқий усуллари муҳим ўрин тутаяди. «Мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари деганда бундай ҳуқуқларнинг ҳамма томонидан эътироф этилиши, риоя қилиниши, бажарилиши, қўриқланиши, улар бузилган тақдирда тиклаш, бузилиш оқибатларининг бартараф этилишини таъминловчи юридик воситалар, чоралар ва йўллар тушунилади»⁷.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи фуқаролик-ҳуқуқий институт эканлигини эътиборга олиб уни ҳимоя қилиш усуллари ҳақида сўз борганда Фуқаролик кодексининг 11-моддасида кўзда тутилган ҳимоя қилиш усуллари тўлиқ интеллектуал мулк ҳуқуқига ҳам тааллуқли эканлигини таъкидлаш жоиз.

Демак, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 11-моддасига мувофиқ қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқни тан олиш;

ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

⁷Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2004. Б.107

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;

бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

зарарни тўлаш;

неустойка ундириш;

маънавий зиённи қоплаш;

ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид хужжатини суднинг қўлламаслиги.⁸

Таъкидлаш жоизки, мазкур усуллар фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий усуллари бўлиб, уни узил-кесил деб бўлмайди. Яъни, интеллектуал мулк ҳуқуқи махсус усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин. Бундай махсус усуллар Фуқаролик кодексининг 1040-моддасида мустақамлаб қўйилган бўлиб, уларга қўйидагилар киради:

мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш;

йўл қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 1040-моддаси интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунда назарда тутилган бошқа усулларда ҳам ҳимоя қилиниши мумкинлигини белгилайди. Хусусан, интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади⁹.

⁸Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх. I-жилд (биринчи қисм). Адлия вазирлиги. Т.: «Vektor-Press», 2010. Б.36.

⁹Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх. III-жилд. Адлия вазирлиги. Т.: «SMI-ASIA», 2011. Б.405.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳларда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг усуллари, мазкур усулларни амалга ошириш механизмига боғлиқ равишда бўлиниши мумкинлиги таъкидланиб, қуйидаги хусусиятлари кўрсатиб ўтилган:

фақат суд томонидан, айрим ҳолатларда эса бошқа ваколатли давлат органлари томонидан қўлланадиган усуллар, бу эса муайян усул воситасида ҳимоя қилиш тўғрисида уларга илтимоснома билан мурожаат қилиш заруратини назарда тутди;

ҳуқуқий муносабат иштирокчиси томонидан мустақил равишда қўлланадиган усуллар, масалан, ўз-ўзини ҳимоялаш, қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама воз кечиш йўли билан ҳуқуқий муносабатларни бекор қилиш кабилар;

суд органларининг ёрдами билан ҳамда мустақил тартибда қўлланадиган усуллар, хусусан зарарни қоплаш, неустойка ундириш ва бошқалар¹⁰.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Грузия ва Украина давлатларининг фуқаролик кодексига ҳам ўз аксини топган.

Мазкур давлатларнинг фуқаролик кодексига фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари рўйхати белгиланган. Унда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва суд амалиётида энг кўп учрайдиган фуқаролик-ҳуқуқий усуллар мустаҳкамлаб қўйилган. Айни пайтда фуқаролик ҳуқуқини қонунда назарда тутилган бошқа усуллар билан ҳам ҳимоя қилиш мумкинлиги қайд этилган. Шунингдек, амалиётда бир пайтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг бир неча усулини қўлланишига йўл қўйилади. Айрим ҳолатларда эса қонунчилик талаблари юзасидан ёки ҳуқуқнинг хусусиятидан келиб чиқиб, муайян усул билан ҳимоя қилинади.

¹⁰Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. Т.: 2009.. Б.38.

Бошқа давлатлардан фарқли равишда Озарбайжон Республикаси Фуқаролик кодекси фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий усуллари аниқ кўрсатилмаган. Фуқаролик кодексининг 18-моддаси ҳаволки нормадан иборат бўлиб, унга кўра фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда қонунларга, жамоат тартибига ва ахлоқ нормаларига зид бўлмаган усулларда амалга оширилади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича низолар судларда фуқаролик ва иқтисодий судлара кўриб чиқилади. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий судлар ташкил этилиши муносабати билан келажакда айрим интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар маъмурий суд томонидан кўриб чиқилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг қароридан норози бўлган интеллектуал мулк соҳиби маъмурий судга мурожаат қилиши мумкин.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари Беларусь Фуқаролик кодексининг 989-моддасида мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг махсус усуллари белгилаб қўйилган. Унга кўра мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун фуқаролик ҳуқуқларининг умумий усуллари билан бир қаторда қуйидаги усулларда ҳимоя қилиниши мумкин:

мутлақ ҳуқуқларни бузилишида фойдаланилган моддий объектларни, шунингдек ҳуқуқларни бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш;

мажбурий тартибда мутлақ ҳуқуқлар бузилганлиги тўғрисида эълон қилиш ва бунда бузилган ҳуқуқлар кимга тешили эканлиги ҳақидаги маълумотни киритиш;

қонунларда белгиланган бошқа усулларда.

Шунингдек, ушбу моддада интеллектуал мулк ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани бузилиши натижасида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликнинг умумий қоидалари қўлланиши белгиланган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Беларусь Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли моддалари бир хил нормаларни ўз ичига олган. Худди шундай ҳолатни Арманистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикаларининг фуқаролик кодексига ҳам учратиш мумкин.

Маълумки, ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг кўпчилик фуқаролик-ҳуқуқий усуллари интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юрисдикциявий шаклда амалга оширилади. Демак, бунда интеллектуал мулк соҳибларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш суд тизимига, унда интеллектуал мулкка оид низоларни кўриш билан боғлиқ суд амалиётига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Сўнги йилларда МДХ давлатларида интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича судлов амалиёти ривожланиб борапти дейиш мумкин. Бунга, бир томондан ушбу давлатларда интеллектуал мулк объектлари айланмаси ўсиб бораётганидан дарак берса, иккинчи томондан интеллектуал мулк соҳасидаги махсус судлов тизимини шаклланиши билан боғлиқ.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини суд йўли билан ҳимоя қилиш воситаси даъво ҳисобланади. Даъвогар судга мурожаат қилиб бир томондан одил судловни амалга ошириб бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраса, иккинчи томондан жавобгардан муайян хатта-ҳаракатларни содир этиш ёки моддий талабларни қондиришни сўрайди. Шунингдек, мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда баъзан суд ариза ёки шикоят тартибида ҳам кўриши мумкин.

Профессор О.Оқюлов интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш муаммолари юзасидан фикр юритиб, «бир қарашда мамлакатмизда интеллектуал мулк соҳасида ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам қонунчилик тизими яратилгандай бўлиб туюлади. Бироқ ушбу тизим муайян вазиятларда қўллаш учун қай даражада мослашганлиги масаласи алоҳида эътибор талаб қилувчи илмий муаммо эканлигини қайд этмоқ лозим»¹¹, деб таъкидлайди.

¹¹Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ва илмий ахборот хизмати кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари.//“Европа Иттифоқи ва Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчилигини

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус усулларидан бири сифатида мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан ҳуқуқбузар томонидан зарарни қоплаш ўрнига компенсация тўлашни талаб қилиш имкониятидир.

Масалан, Россияда бузилган ҳуқуқлари учун компенсация тўлашни талаб қилиш суд амалиётида энг кўп учрайди. Мазкур усулнинг кенг қўлланиши сабаби шундаки, даъвогар судда ўзига етказилган зарарнинг аниқ миқдорини ёки жавобгар томонидан ноқонуний даромадини миқдорини исботлаш мажбуриятдан холи бўлади. Чунки, зарар миқдорини ёки ҳуқуқбузарнинг даромадини аниқлаш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди. Компенсация тўлаш учун эса ҳуқуқбузарлик натижасида зарар етказилганлигини исботлашнинг ўзи етарли ҳисобланади ва етказилган зарарнинг аниқ миқдорини далиллар асосида исботлаш талаб этилмайди. Даъвогар ўз ихтиёрига кўра жавобгардан зарарни қоплаш, шу жумладан олинмай қолинган фойдани ёки жавобгар томонидан ҳуқуқбузарлик натижасида олинган даромадни ўндириш ёхуд компенсация тўлашни талаб қилиши мумкин.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1253-моддасига мувофиқ суд прокурорнинг асослангандирилган тақдимномасига кўра интеллектуал мулк ҳуқуқини бир марта қўпол бузиши ёки бир неча бор бузиши оқибатида юридик шахсни тугатиш ёки яқка тартибдаги тадбиркорлик мақомини тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда умумий жавобгарлик чораси сифатида суд томонидан компенсация тўлаш белгиланиши мумкин. Суд компенсация тўловини аниқ миқдорини белгилашда интеллектуал мулк ҳуқуқини бузиш хусусиятидан келиб чиқади. Шунингдек, ҳуқуқбузарга нисбатан контрафакт товар нарҳининг ёки асардан, саноат намунасида фойдаланиш нарҳининг икки баравари миқдорида компенсация белгиланиши ҳам мумкин. Бошқача айтганда компенсация тўлови суммаси мутлақ

ҳуқуқдан қонунга мувофиқ фойдаланилган тақдирда белгиланадиган суммадан келиб чиқади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг айрим объектларига нисбатан қонунчиликда ҳимоя қилишнинг алоҳида усулини кўрсатиб ўтилиши мумкин. Интеллектуал мулк объекти эгаси томонидан судга мурожаат қилинганда, суд тегишли ҳуқуқбузарликни зудлик билан тўхтатиш ва далилларни сақлаш чораларини кўриши лозим бўлади. Суд жавобгарни муайян ҳаракатлардан тийилишини талаб қилиши мумкин. Масалан, тегишли интеллектуал мулк объектини ишлаб чиқаришни ёки ундан фойдаланиш, сотиш мақсадида тарқатиш, ташиш, сақлашни тўхтатишни талаб қилади.

Суд интеллектуал мулк ҳуқуқини бузилишини тўхтатиш учун қуйидаги қарорларга келиши мумкин:

тегишли интеллектуал мулк объектини божхона чегарасидан олиб ўтишни тақиқлаш;

муомалага киритилган товарларни муомаладан чиқариш;

контрафакт маҳсулот деб ҳисобланаётган товарларни, шунингдек шундай товарларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш ва сотишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни олиб қўйиш;

интеллектуал мулк ҳуқуқни бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш ўрнига бир марталик пуллик товон тўлаш;

оммавий ахборот воситаларида интеллектуал мулк ҳуқуқини бузилганлиги тўғрисидаги маълумот ҳамда шу масала юзасидан чиқарилган суд қарорининг мазмуни эълон қилиш.

Бундан ташқари, интеллектуал мулк ҳуқуқини бузилиши жиноий жавобгарликка асос бўладиган бўлса, суд фуқаролик даъвосини таъминлаш учун қуйидагиларга арест солиши мумкин:

контрафакт деб ҳисобланаётган маҳсулот ёки товарларга нисбатан;

контрафакт товарларни ишлаб чиқариш, фойдаланиш ёки сотиш учун мўлжалланган материаллар ва ускуналарга нисбатан;

жиноят қонунчилигига мувофиқ жиной жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни исботлаши мумкин бўладиган ҳужжатлар, ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳужжатлар, предметлар.

Суд интеллектуал мулк ҳуқуқни бузишда айбланаётган шахсга қуйидаги ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини юклайди:

интеллектуал мулк ҳуқуқини бузилиши ҳолатидан келиб чиқадиган барча талабларни қондиришни;

ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаб беришни;

ҳуқуқбузарлик натижасидан олинган даромад ёки фойдани тўлиқ миқдорда мутлақ ҳуқуқ эгасига қайтаришни;

интеллектуал мулк ҳуқуқи эгасига, суд томонидан белгиланган миқдорда, маънавий зиённи қоплаб беришни.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва ҳимоясини таъминлаш масалаларига сўнгги йилларда жиддий эътибор берилмоқда. Бу масала иқтисодиётни инновацион ривожланиши гарови ҳисобланди.

Ҳозирги даврда ахборот технологияларини ривожланиши натижасида интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш принципларига бошқача ёндошишни талаб қилмоқда. Интеллектуал мулк объектлар турлари тобора кўпайиб, улардан фойдаланиш тартиби ҳам кенгайиб бормоқда. Натижада улардан ноқонуний фойдаланиш имкониятлари ҳам ортмоқда. Бундай тенденция, ўз навбатида, интеллектуал мулк ҳуқуқини фуқаролик-ҳуқуқий усуллари воситасида ҳимоя қилишнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Шунингдек, мавжуд муаммоларни самарали ҳал қилиниши, МДҲ давлатларининг иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши минтақадаги ҳар бир давлатдан ўз миллий қонунчилигини такомиллаштириш, бу соҳада халқаро алоқаларни ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

5§ Интеллектуал мулк ҳуқуқини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бу интеллектуал мулк эгасига тегишли бўлган ҳуқуқларни тиклаш ва ундан ноқонуний тарзда фойдаланишга чек қўйишдан иборат. Яъни, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизмлари муҳофаза қилинган интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилган тақдирда қўлланилади.

Интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни маъмурий-ҳуқуқий йўллар билан ҳам ҳимоя қилиниши таъминлайди. Шу боис, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тизимида маъмурий-ҳуқуқий механизмларни мазкур тадқиқот доирасида муҳим аҳамиятга эга.

Интеллектуал мулкни маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, маъмурий тартибда низоларни кўриш асосан патент бериш ва интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан шуғулланадиган давлат идорасининг ваколатига киради. Бундай ваколат Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011йил 24майда “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Унда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмлари, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган чоралар белгилаб берилди. Маълумки, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш уларнинг яратилганлик факти бўйича ёхуд қонунларда назарда тутилган ҳолларда ваколат берилган давлат органи томонидан тартибга солиниши белгиланган. Мазкур Қарор билан интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми мустаҳкамланди. Интеллектуал мулк билан

боғлиқ қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, республика ҳудудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланишига чек қўйишда ваколатли давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, контрафакт маҳсулотлар айланишига қарши курашни кучайтириш мақсадида Интеллектуал мулк агентлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда рейдлар, текширувлар ўтказди, мониторинг олиб боради. Мазкур тадбирлар натижасида контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчилар аниқланади, ноқонуний оптик дисклар сотиладиган жойлар, қароқчилик веб-сайтлари ёпилишига эришилмоқда¹².

Интеллектуал мулк ҳуқуқини маъмурий тартибда ҳимоя қилишда божхона органлари алоҳида ўрин тутди. Зеро, божхона органлари ички бозорини ҳимоя қилишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш, экспорт-импорт жараёнларини божхона тарифлари орқали тартибга солишни такомиллаштириш муҳим масала саналади. Божхона тизимдаги маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

2016 йилда қабул қилинган янги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси божхона ишини сифат жиҳатидан ўзгартиришга хизмат қиладиган бир қатор муҳим янги нормаларни ўз ичига олган. Янги таҳрирдаги Божхона кодексининг 56-боби интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масаласига бағишланган. Унда божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари батафсил мустаҳкамлаб қўйилди.

Бугунги кунда халқаро миқёсда контрафакт маҳсулотлар савдоси ва интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари кўпайган.

¹²Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг расмий веб-сайти: <http://www.ima.uz/186-lectures.html>

Божхона қонунчилигида интеллектуал мулк объектларини олиб кириш ёки олиб чиқишга бўлган тақикни тартибга солувчи қоидалар мавжуд эмас эди. Шунинг учун Божхона кодексида божхона органларига контрафакт товарларни ушлаш имконини берадиган тартиб-таомиллар батафсил ўз аксини топган.

Янги таҳрирдаги Божхона кодексида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида божхона органлари томонидан кўриладиган чоралар белгилаб қўйилди. Хусусан, божхона ҳудудига олиб кириладиган ва божхона назорати остида турган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриши ҳамда интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Божхона кодекси божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўрилмайдиган товарлар аниқ белгилаб қўйилган.

Кодексида интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш учун ариза бериш тартиби белгилаб қўйилган. Унга кўра интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш тўғрисидаги ариза ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили томонидан Давлат божхона кўмитасига берилади. Ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилганидан кейин интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиб божхона органларига божхона назорати остида турган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш бўйича чоралар кўрилиши учун мурожаат қилиши мумкин.

Давлат божхона қўмитаси Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш учун аризани у келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва мазкур реестрга киритиш тўғрисида ёки киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ваколатли органлардан тақдим этилган маълумотларни тасдиқловчи қўшимча ахборот ва ҳужжатларни сўраб олиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича чоралар қўлланилиши тўғрисида қарор қабул қилинган интеллектуал мулк объектлари Давлат божхона қўмитаси томонидан Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрини юритади ва кейинчалик уни доимий равишда янгилаб борган ҳолда ўз расмий веб-сайтида вақти-вақти билан эълон қилади.

Шуниси эътиборлики, интеллектуал мулк объектларини божхона реестридан чиқариладиган ҳолатлар аниқ белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқ эгасини ёки унинг ваколатли вакилини интеллектуал мулк объектлари Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестридан чиқарилганлиги тўғрисида уч иш куни ичида ёзма шаклда хабардор қилади.

Божхона органлари интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар бузилганлигининг белгилари бўлган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар бузилганлигининг белгилари бўлган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш ҳуқуқ эгасининг ёки унинг ваколатли вакилининг суд органларига мурожаат қилиши ва суднинг ишни судда кўриш тайинланганлиги тўғрисидаги ажримини божхона органларига тақдим этиш мақсадида амалга оширилади.

Айни пайтда ҳуқуқ эгасининг ёки унинг ваколатли вакилининг аризасига кўра, божхона органлари интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туришни уларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга амалга оширилиши белгиланган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, янги таҳрирдаги Божхона кодексида мамлакатимизда интеллектуал мулкни божхона органлари томонидан ҳимоя қилишнинг тартиб-таомиллари батафсил белгилаб қўйилган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини ҳимоя қилиш Россия, Беларусь ва Қозоғистон учун Божхона иттифоқи доирасида янада муҳим аҳамият касб этади. Ушбу давлатлар ўртасида тузилган Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилишни тартибга солиш соҳасида ягона принциплар тўғрисидаги келишувда бу борада аниқ механизм ёки тартибот белгиланмаган. Келишув фақат интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг асосий принципларини мустаҳкамлаб қўйган. Бинобарин, амалиётда мазкур давлатларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиши зарур бўлади.

Россия божхона органлари томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқини бузган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш йўли билан мутлақ ҳуқуқ эгаларини ҳимоя қилиниши Россия Федерацияси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳамда Маъмурий кодекснинг 7.12 ва 14.10 моддаларида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш ва текшириш бўйича Услубий кўрсатмаларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

МДХ давлатларининг божхона қонунчилигини таҳлил қилиш интеллектуал мулк объектлари реестрини юритишни интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг алоҳида бир маъмурий усули дейишга асос бўлади.

Божхона реестри интеллектуал мулк эгаларининг аризасига асосан божхона ходимлари томонидан юритилади. Реестрдаги маълумотлар божхона ходимлари ва экспертлар томонидан контрафакт товарларни тез аниқлаш имконини беради.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маънавий зарарни ундириш ҳам муҳим юридик воситалардан биридир. Маънавий зарар вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатлар ичида интеллектуал мулк ҳуқуқини нафақат ҳуқуқ соҳибининг шахсий номулкий ҳуқуқлари, балки мулкый ҳуқуқларидан ҳам келиб чиқади. Ижодкорга маънавий зарар етказиш, яъни муаллифнинг меҳнати эътироф этилмаслиги, тан олинмаслиги оқибатида оғир руҳий изтиробларга дучор бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 177-моддасига мувофиқ маҳсулот белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш бир хил маҳсулотларни белгилаш учун маҳсулот белгисидан ёки хизмат кўрсатиш белгисидан ёхуд унга ўхшаш белгидан маҳсулот белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузган ҳолда фойдаланиш — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 166-моддасида ишлаб чиқариш белгисида ёки товар белгисида ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган ери тўғрисида ахборот бўлмаган товарларни реализация қилиш, шунингдек реализация қилиш мақсадида сотиб олиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келиши белгиланган. Бузилган ҳуқуқларнинг маъмурий-ҳуқуқий тартибда ҳимоя қилиш ваколатли давлат органига товар белгилари ва товарни келиб чиқиш жойининг номини рўйхатга олишга эътироз билдириш, шунингдек ҳудудий монополияга қарши органга рақобат қоидаларини бузилаётганлиги ҳақида шикоят қилиш каби йўлар билан амалга оширилади.

Россия Федерациясининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 7.12-моддасига мувофиқ асарлар ёки фонограммалар нусхаларидан даромад олиш мақсадида ноқонуний олиб кириш, сотиш, ижрага бериш ёки бошқача тарзда ноқонуний фойдаланиш, агар асарлар ва фонограмма нусхалари контрафакт маҳсулот бўлса фуқароларга ва мансабдор шахсларга жарима солиш ва контрафакт маҳсулотларини мусодара қилиш; юридик шахсларларга жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, ушбу моддада мувофиқ ихтиролар, фойдали моделлар ёки саноат намуналаридан ноқонуний фойдаланиш, муаллифнинг розилигисиз ихтиролар, фойдали моделлар ёки саноат намунаси моҳиятини расмий эълон қилинишидан олдин ошқора қилиш, муаллифликни ўзлаштириб олиш ёки ҳаммуаллифликка мажбурлаш фуқароларга мансабдор шахсларга, юридик шахсларга жарима солишга сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулк ҳуқуқини самарали ҳимоя қилиш суд амалиётига боғлиқ. Бинобарин, суд амалиётини такомиллаштириш масаласи барча давлатлар учун долзарб аҳамиятга эга. Судларда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар фуқаролик-ҳуқуқий судловнинг умумий тартибида амалга оширилади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни судда кўришдаги муҳим жиҳатларидан бири судда ўз мутлақ ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган даъвогар, давлат божи тўлашдан озод қилинади. Шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқини тан олиш ёки бундай ҳуқуқларни рўйхатга олиш билан боғлиқ низоларни кўришда тегишли давлат органи жалб қилинади.

Маълумки, интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни кўрилаётганда тегишли объектдан ноқонуний фойдаланишга чек қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бу интеллектуал мулк объектдан ноқонуний фойдаланишга ўз вақтида барҳам бериш имкониятини беради.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини паймол қилиниши кўпинча мазкур ҳуқуқ эгаси истиқомат қиладиган ҳудуддан ташқарида, яъни хорижий мамлакатларда рўй беради. Ҳеч кимга сир эмас чет элда яратилган

интеллектуал мулкдан бошқа мамлакат фуқароси бемалол фойдаланаверади. Яъни, интеллектуал мулк объекти соҳиби ўз ҳуқуқларини етарлича самарали ҳимоя қилишга имконияти бўлмайди. Шу боис, интеллектуал мулк ҳуқуқини паймол қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш чораларини кўриш лозим бўлади. Яъни, интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал қилингунгача тегишли объектдан фойдаланиш тўхтатилиб турилади.

Бир қатор хорижий мамлакатларда суд томонидан низо ҳал қилингунга қадар мутлақ ҳуқуқ соҳибини ҳимоя қилишнинг бошқа қатор усуллари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари кенг қўлланилади. Жумладан, бу борада ҳимоя усулининг мазмуни шундаки, ҳуқуқи бузилган шахс суд буйруғи билан мутлақ ҳуқуқлар бузилаётган жойда текширув ўтказиши мумкин. Суд буйруғи даъвогарнинг талабига кўра берилади ва жавобгарнинг иштирокисиз даъвогарга топширилади. Бу жавобгар томонидан ҳуқуқбузарликни тасдиқловчи далил-ашёларни йўқ қилишни олдини олишга қаратилган. Суд буйруғи билан тегишли объектга келган даъвогар объектив ҳолатни текшириш имкониятига эга бўлади.

Суд моддий ва маънавий зарар, олинмай қолган фойда, товон қиймати ўрнига ҳуқуқ эгасига ўндириб берган сумманинг умумий миқдоридан унга 10 фоизини жарима сифатида ундириб бериши ҳам мумкин. Шундай тартиб Қозоғистон Республикасида ҳам ўрнатилган. Усулларнинг бундай кенг белгиланиши ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини олдиндан таъминлаш имконини беради¹³.

Айрим россиялик мутахассислар томонидан товар белгиларини давлат рўйхатидан ўтказиш товар белгисини ўзига хос “олдини олувчи” ҳимоя шакли сифатида баҳолайдилар¹⁴. Айнан ўйлаб топилган товар белгиси ва уни катта харажаатлар билан реклама қилиш ва таниқли товар белгисига

¹³Худойбердиева Г. “Турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишда судларнинг иштироки”.//Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истикболлари. Т.: “Адолат”. 2012. Б.204.

¹⁴Қаранг: Леонов А. Товарный знак и защита интеллектуальной собственности. Таможенное регулирование. Таможенный контроль. 2011. №11. С.12-21.

айлантирганлиги унга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар тегишли эканлигини англамайди. Товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуққа фақат давлат рўйхатидан ўтказиш натижасидагина эришиш мумкин.¹⁵

Товар белгисини рўйхатга олиш тартиби бу ҳуқуқларни ҳимоя қилишда муҳим омил ҳисобланади. Товар белгиси билан фирма номи ўртасидаги айрим тушунмовчиликлар ҳам мавжуд. Кўпчилик тадбиркорларда ва бошқа мутахассисларда ҳам тадбиркорлик тузилмасини ташкил этиш ва уни расмий рўйхатидан ўтказиш ҳамда фирма номини расмийлаштириш билан шу номдаги товар белгисни ҳам эгасига айландим, деган нотўғри фикр кенг тарқалган. Бунда товар белгиси албатта давлат рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш тизимини самарали дейиш қийин. Ривожланган давлатларнинг бу соҳадаги амалиёти қанчалик мукамал бўлмасин, уни мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизимига тўғридан тўғри кўчириб бўлмайди. Зеро, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунларни мукамал бўлишини ўзи етарли эмас. Бу ҳуқуқни қўллаш тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятига ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистонда интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъи назорат қилиш, республика ҳудудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланишига чек қўйиш чораларини кўришда ваколатли давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Айни пайтда интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланганликнинг муайян ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари учун жавобгарликни белгиловчи маъмурий жавобгарлик чоралари назарда тутилмаган.

¹⁵Қаранг: Леонов А. Товарный знак и защита интеллектуальной собственности. Таможенное регулирование. Таможенный контроль. 2011. №11. С.12-21.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш масалалари йўналиши бўйича суд тизимида ўтказилган жиддий ислоҳотлар, ягона Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилиши, маъмурий ишлар бўйича судлар, иқтисодий судларни ташкил этилганлиги интеллектуал мулк ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга, айниқса бу борада суд амалиётини шаклланишида муҳим омил бўлади.

6§ Интеллектуал мулк ҳуқуқини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 28 апрелдаги қўшма қарорида “Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг объектив ифодаланган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқи-интеллектуал мулки қонун билан қўриқланади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал мулкдан бошқа шахслар фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин. Шунинг учун, интеллектуал мулкдан ҳар қандай ноқонуний фойдаланиш бу ҳуқуқнинг қўпол бузилиши ҳисобланади. Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал фаолияти натижаларини ўзлаштириб олиш Жиноят кодексининг 149-моддаси билан тавсифланиши мумкин. Агар интеллектуал мулк объектлари моддий қимматликка эга бўлса, айбдорнинг қилмишлари талон-торож сифатида баҳоланади” деб таъкидланади.

Таъкидлаш жоизки, жиноий ёки маъмурий жавобгарлик чорасини қўлланиши ҳуқуқи бузилган шахсни қониқтирмаслиги мумкин. Ҳуқуқ соҳибини манфаатларини ҳимоя қилиш учун жиноий ёки маъмурий чораларини қўлланиши етарли бўлмаганда, комплекс ҳимоя чоралари қўрилиши асосли ҳисобланади. Бунда муайян ҳуқуқбузарликка баҳо беришда

у жинойий ёки маъмурий қилмиш сифатида баҳоланади ҳамда жинойий ёки маъмурий чора қўллаш билан биргаликда бузилган ҳуқуқини тиклаш ёки қоплашга қаратилган моддий-ҳуқуқий характердаги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси белгиланади.

Жавобгарлик чорасини танлаш эса ҳуқуқбузарлик характерига боғлиқ. Агар интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан мутлақ ҳуқуқни бузилиши жинойий-ҳуқуқий характерда бўлса, жинойий жавобгарлик чораси қўлланилади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Жиноят кодексида назарда тутилган ҳолларда бузилганда уни ҳимоя қилиш жинойий-ҳуқуқий тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида интеллектуал мулк ибораси ишлатилмаган. Яъни, Жиноят кодексининг 7-боби фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларига бағишланган бўлиб, унинг 149-моддаси тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбуран, шунингдек тафаккур мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунча ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилганликучун жинойий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ижод эркинлиги, фикр, сўз, эътиқод эркинлиги мустақкамлаб қўйилган. Шу муносабат билан Жиноят кодексининг 149-моддаси билан бу эркинликлар бевосита жинойий-ҳуқуқий муҳофаза остига олинган деб ҳисоблаш мумкин.

Жиноий жавобгарлик чорасини қўллаш ҳуқуқбузарга нисбатан қанчалик жиддий салбий оқибатни келтириб чиқармасин, ҳуқуқи бузилган шахсни қониқтирмаслиги мумкин. Яъни, жинойий жавобгарлик чорасини қўллаш билан бузилган ҳуқуқни тиклаш мумкин бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда жинойий ишда фуқаролик даъвоси ҳам қўзғатилади.

Барча давлатларда интеллектуал мулк ҳуқуқини жинойий-ҳуқуқий қилмишдан ҳимоя қилиш долзарб муаммо ҳисобланади. Интеллектуал мулк

ҳуқуқини жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилишда муайян муаммоларга дуч келинади. Мазкур муаммога кўплаб диссертация ва бошқа илмий-тадқиқот ишлари бағишланган. Шунга қарамай интеллектуал мулк ҳуқуқини жиноий-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилишни самарали деб бўлмайди. Бу борадаги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли давлатларда интеллектуал мулк ҳуқуқини жиноят-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилиш турли давлатларда бир биридан жиддий фарқ қилади.

Энг кўп учрайдиган ҳолат бу интеллектуал мулкка бўлган мулкӣ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳисобланади. Масалан, контрафакт маҳсулотлар товарлар учун жавобгарликни белгилаш. Номоддий ҳуқуқлар одатда фуқаролик-ҳуқуқий усуллар билан муҳофаза қилинади. Бундай ёндошув интеллектуал мулк ҳуқуқини бузилишини иқтисодий жиноятлар сирасига киритишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасига мувофиқ муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига тажовуз қилишни жиноят кодексининг маҳсус қисмида бошқача ёндошув ҳам кузатилади. Масалан, Грузия Жиноят кодексига интеллектуал мулк ҳуқуқига тажовуз қилиш мулкӣ жиноятлар саналади.

Бунда нафақат мулкӣ ҳуқуқлар, балки мутлақ ҳуқуқлар ҳам муҳофаза қилинади. Яъни, мулкӣ зарар келтириш билан боғлиқ бўлмаган кўчирмачик (плагиат) учун ҳам жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик кўзда тутилган. Қирғизистон Республикаси қонунчилигида плагиат учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилмаган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига тажовуз қилиш МДХ давлатларининг жиноят қонунчилигида инсоннинг конституциявий ҳуқуқларига қарши

(муаллифлик, турдош, ихтирочилик ва бошқа ҳуқуқлар) ҳамда иқтисодий фаолият соҳасидаги (индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқлар) жиноятлар сирасига киритилган. Масалан, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг VII бобида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар турига киритилган.

Бунда бир томондан интеллектуал мулк ҳуқуқлари нафақат жисмоний шахсларга, балки юридик шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин бўлса, иккинчи томондан барча муаллифлик ҳуқуқини бузилиши билан боғлиқ фақат жиддий мулкӣ зарар етказилгандагина жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Турли давлатларда интеллектуал мулк ҳуқуқини жиноий-ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш доираси бир биридан анчайин фарқ қилади.

Энг кўп учрайдиган ёндошув жиноий-ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш фақат мулкӣ ҳуқуқларга нисбатан қўлланишидир. Масалан, Грузия ва Қозоғистонда интеллектуал мулк ҳуқуқига тажовуз қилиш ва уни жиноий-ҳуқуқӣ муҳофаза остига олиниши ашёвий мулкка ёки иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатларга теглаштирилган.

Баъзи ривожланган давлатларда ҳам шундай ёндошувни кузатиш мумкин. Бироқ, Германия, Италия ва Франция каби давлатларда биринчи даражада номулкӣ интеллектуал мулк ҳуқуқи муҳофаза остига олиниши белгиланган.

Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Молдова, Туркманистон каби давлатларда плагиат учун жиноий жавобгарлик муаллифлик ҳуқуқи объектининг қиймати билан боғлиқ бўлади. Бунда биринчи навбатда муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Беларусь, Грузия, Тожикистон, Ўзбекистон қонунчилигида плагиат учун жавобгарлик формал таркибли норма билан кўзда тутилган.

Айрим давлатларда ҳаммуаллифликка ундаш ва муаллифликдан воз кечишга мажбур қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан,

бундай қоида МДХ давлатларида Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Молдова, Тожикистан, Ўзбекистан қонунчилигида учрайди.

Шунингдек, турли давлатлар қонунчилигидан интеллектуал мулкнинг турли объектларининг жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш жиноят кодексларининг турли бўлимларида мустаҳкамланган. Бу интеллектуал мулк объектларига тажовуз қилиш жиноий қилмишнинг турли объектлари сифатида баҳоланишини билдиради. Масалан, товар белгилари ёки тижорат сирини интеллектуал мулкнинг бошқа объектларига нисбатан жиддийроқ муҳофаза қилинишини кўриш мумкин.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини бузган учун жавобгарлик масаласи Россия Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида ўз аксини топган. Шу билан интеллектуал мулк ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар жиноят сифатида баҳоланади. Бу турдаги жиноятлар инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликликларига қарши жиноятлар сирасига киради. Жумладан, муаллифлику ва турдош ҳуқуқларни бузиш, ихтирочилик ва патент ҳуқуқларини бузиш, товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш.

Интеллектуал мулк объектлари тадбиркорлик соҳасида фуқаролик муомаласида иштирок этишини эътиборга олсак, ноқонуний тадбиркорлик ҳам жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Яъни, интеллектуал фаолият натижаларининг номоддий хусусияти интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни енгиллаштирмайди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 28-бобидаги «Компьютер ахборотлари соҳасидаги жиноятлар»га алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг аҳамияти шундаки, жамиятда ахборотлаштириш жараёнлари компьютер техникасидан кенг омма томонидан фойдаланилиши имконияти яратилганлиги билан боғлиқ. Айниқса болалар, ўқувчи ёшлар, талабалар бугунги кунда компьютер ва интернетдан кенг фойдаланади. Мазкур ижтимоий гуруҳлар вакилларининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражаси интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузилишига кенг йўл очиб бермоқда.

Россия Жиноят кодексига мувофиқ қуйидаги қилмишлар муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузиш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган: муаллифликни ўзлаштириб олиш (плагиат); муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга зид равишда фойдаланиш, шунингдек контрафакт товарларни сотиб олиш, сақлаш, ташиш. Шунингдек, ихтиролар ва патент ҳуқуқининг бузганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулк ҳуқуқини бузганлик учун жиноий-ҳуқуқий чоралар кўриш кўплаб мамлакатларнинг қонунчилигидан жой олган. Айтиш пайтда, жиноий жавобгарлик даражаси турли хил. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар томонидан ривожланаётган мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги етарлича мукамал эмас ва жиноий жавобгарликни кучайтиришни зарур деган талабни илгари суриб келинади. Бундай ёндошув айниқса АҚШда ҳар йили эълон қилинадиган «301 процедура» ва шу билан боғлиқ жараёнларда яққол кўзга ташланади.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, жиноий жазони кучайтириш мавжуд муаммони узил-кесил ҳал қилмайди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузилиши даражаси ва кўлами турлича бўлиши мумкин. Бу кўп жиҳатдан у ёки бу давлатнинг миллий қонунчилигининг ривожланганлиги, суд-ҳуқуқ органларининг самарали фаолиятига боғлиқ бўлади. Интеллектуал мулк ҳуқуқини бузилиши фақат ривожланаётган давлатларга хос бўлган муаммо эмас. Бундай ҳуқуқбузарликлар ривожланган давлатларда ҳам ривожланаётган давлатларда ҳам учрайди.

Интеллектуал мулкни глобалашуви негизида асосан иқтисодий манфаатлар ётишини эътиборга оладиган бўлсак, ривожланган давлатлар интеллектуал мулк объектларини экспортлари сифатида ривожланаётган давлатларни “истеъмолчи” сифатида сақлаб қолишдан манфаатдордир. Зеро, ривожланаётган давлатлар бозорига кириш иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар учун муҳим омилдир. Яъни, интеллектуал мулк ҳуқуқини кучли ҳимоя қилиш тизимининг мавжудлиги интеллектуал мулк

объектларининг қонуний айрибошалаш бозорини ривожланишига туртки бўлади, деб ҳисобланади.

Шуниси эътиборлики, ривожланган давлатлар ўз маҳсулотларини ички бозорга муносиб нарҳларда сотадиган мамлакатларда “маданий қароқчилик” муаммоси ҳамон долзарб бўлиб, ушбу мамлакатларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан юқори нарҳларни белгиланиши интеллектуал мулк бозорида контрафакт товарлар савдоси сақланиб қолишига ва ноқонуний маҳсулотлар айланмасини ўсишига олиб келади.

Албатта, контрафакт товарлар айланмаси фақат шу муаммо билан боғлиқ эмас, уни негизи иқтисодий омилларга бориб тақалади. Иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш фақат жиноий таъқибни кучайтириш билан ҳал қилиб бўлмаслиги кўпчиликка яхши маълум. Бу интеллектуал мулк ҳуқуқини бузилишига қарши фуқаролик, маъмурий ва жиноят қонунчилиги мавжуд муммонинг сабабаларига эмас, балки уни оқибати билан курашишга қаратилган, деган хулосага келишга асос бўлади.

7§ Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда махсус судларнинг роли ва аҳамияти

Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ ишларни кўришга ихтисослашган махсус судларни ташкил қилиш масаласи мутахассислар ўртасида муҳокамаларга сабаб бўлиб келади. Бундай махсус судлар АҚШда, Европа Иттифоқи давлатларида анчадан бериб муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, махсус патент судлари Австрия, АҚШ, Германия, Швецария, Швеция, Буюк Британия, Таиланд, Португалия, Филиппин, Корея, Японияда ва айрим Африка давлатларида ҳам ташкил этилган.

Махсус судларни ташкил қилиш тобора кўпайиб бормоқда. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, жаҳонда 90 га яқин интеллектуал ҳуқуқ бўйича махсуслар фаолият юритади. Бундай тенденция ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши билан ҳамда кўп давлатларни Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига кириши билан боғлиқ бўлиши мумкин¹⁶.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ ишлари кўриб чиқадиган судлар кўпинча патент судлари деб ҳам аталади. Гарчи, бундай махсус судлар патент ҳуқуқидан бошқа интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ низоларни кўришга ваколатли бўлса ҳам уларни шартли равишда патент судлари деб юритилади.

Махсус судларнинг хусусиятларидан бири шундаки ишларни кўришда суд тартиби билан бирга маъмурий тартибларни ҳам қўллаши мумкин. Бу ўз навбатида интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ишларни самарали ҳал қилиш имконини беради.

Европа Иттифоқида 2012 йили Европа ягона патентини жорий қилиш муносабати билан Европа Ягона патент судини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бугунги кунда Ягона патент суди ўз фаолиятини

¹⁶Қаранг: Казарян А.В. “Специализированные суды по интеллектуальным правам”. Журнал Суда по интеллектуальным правам. № 8, 2015., С.73-75

бошлагани йўқ. Бунинг учун Буюк Британия ва Германия Европа ягона патент суди тўғрисидаги Келишувни ратификация қилиши керак.

